Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · “Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnologik tarmoqlardagi o‘rni” mavzus...

materiallar to‘plami

“FAO”: ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИГИ ХАҚИДА

Мавлянов Мажид Тўйчиевич
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети катта ўқитувчиси
Пардаева Камола Абдужабборовна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг маълумотлари [1-3] асосида Марказий Осиё давлатларида чорвачиликнинг ривожланиш тенденциялари ўрганилган.

Калит сўзлар. FAO, истеъмол, ривожланиш, аҳоли, чорва моллари, импорт, экспорт.

FAO маълумотларига кўра 2020 йилда дунё мамлакатлари ичида киши бошига гўшт истеъмол қилиш кўрасткичлари бўйича биринчи ўнликни АҚШ (136,24 кг), Гонконг (136,24), Австралия (120,72), Мўғилистон (111,55), Аргентина (110,55), Испания (100,56), Сент-Винсент ва Гренадини (100,09), Макао (99,54) ва Бразилия (98,85) эгаллайди. Яқин хориж мамлакатлари ичида киши бошига гўшт истеъмол қилиш кўрсаткичлари бўйича Белорус Республикаси - 88,66 кг, Қозоғистон –71,13 кг, Россия –77,07 кг билан етакчилик қилган, кейинги ўринларни Украина – 49,29 кг, Туркманистон – 47,69 кг, Ўзбекистон – 40,89 кг, Тожикистон – 37,20 кг ва Қирғиз Республикаси – 32,59 кг билан сўнги ўринни эгаллаган. Қўшни Афғонистонда бу кўрсаткич – 9,27 кгни ташкил этган. ФАО қайдича: “юқори ва ўртача даромадли Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари аҳолиси 80-100 килограммдан ортиқ гўшт истеъмол қиладилар. Аҳолини қанча гўшт истеъмол қилишини аниқлайдиган энг кучли омиллардан бири – аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ўртача кўрсаткичидир. Одатда мамлакат ва унинг аҳолиси қанчалик бой бўлса, улар ўртача кўпроқ гўшт истеъмол қилади”. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тўғри овқатланиш меъёрларига риоя қиладиган бўлсак, ҳар бир инсон йил давомида 45 килограмм гўшт, 15 килограмм балиқ, 250 литр сут маҳсулотлари, 126 дона нон, 250 дона тухум, 36 килограмм шакар, 12 литр ўсимлик ёғи, 40 килограмм картошка, 180 килограмм полиз-сабзавот ва 78 килограмм узум ва мева истеъмол қилиши лозим. Ҳозирги вақтда БМТ томонидан тасдиқланган турмуш даражасини халқаро стандартларига кўра, мамлакат аҳолисини умумий харажатлари таркибида, озиқ-овқат харажатларининг улуши: 60 фоиз ва ундан кўп бўлса жуда камбағал; 50-60 фоиз бўлса турмуш даражаси паст; 40-50 фоиз бўлса ўртача даражадан паст; 30-40 фоиз бўлса ўртача; 20-30 фоиз бўлса ўртачадан юқори ва 20 фоиздан кам бўлса - юқори (бой жамият) ҳисобланади [1].

1-жадвал. Марказий Осиё республикаларида киши бошига гўшт истеъмол қилиш динамикаси (кг)

Mamlakatlar	**Yillar**			**O‘zgarish, 2010 yilga nisbatan:**		**O‘zgarish, 2015 yilga nisbatan:**	
	2010	2015	2020	kg	%da	kg	%da
Markaziy Osiyo	40,02	42,96	48,2	8,18	20,44	5,24	10,87

Published: 10.11.2023


Cite this article: Мавлянов Мажид Тўйчиевич, Пардаева Камола Абдужабборовна (2023). “FAO”: Ўзбекистон чорвачилиги хақида. Emro Science and Education, 1(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/582

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

materiallar to‘plami

Qozog‘iston	60,67	63,4	71,13	10,46	17,24	7,73	10,87
Turkmanistan	48,36	54,47	47,69	-0,67	-1,39	-6,78	-14,22
O‘zbekistan	32,7	36,35	40,89	8,19	25,05	4,54	11,10
Tajikistan	12,43	21,68	37,2	24,77	199,28	15,52	41,72
Qirg‘iz Respub.	40,1	31,7	32,59	-7,51	-18,73	0,89	2,73


Манба: FAO маълумотлари асосида ишлаб чиқилган [2].



1-расм. Марказий Осиё республикаларида киши бошига гўшт истеъмол қилиш динамикаси (кг).

Манба: FAO маълумотлари асосида ишлаб чиқилган [2].

Мамлакатимизда аҳоли жон бошига йилик гўшт истеъмолида ўсиш тенденцияси кузатилади. Масалан, 1992 йилда йиллик гўшт истеъмоли 24,44 кгни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 32,7 кг, 2015 - 36,35 кг ва 2020 – 40,89 кгни ташкил этган. 2015 йилда 2010 йилга нисбатан 8,19 кг ёки 25,1% га, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан мос равишда 4,54 кг ва 11,1% га ошган. Бироқ, Ўзбекистон, Марказий Осиё республикалари ўртача кўрсаткичига нисбатан (2010 йилда 7,32 кг, 2015 йилда 6,61 ва 2020 йилда 7,31 кг) кам гўшт истемол қилмокда.



2-расм. Ўзбекистонда киши бошига гўшт ва сут истеъмол қилиш динамикаси (кг). Манба: FAO маълумотлари асосида ишлаб чиқилган [2].


Ўзбекистонда 2020 йилда 40,89 кг гўшт ва 251,89 кг сут истеъмол қилинган. Бу кўрсаткич 1992 йилга нисбатан гўшт истеъмоли 1,67 бараварга, сут истеъмоли эса 1,69 бараварга ошган (2-расм).

2-жадвал. Ўзбекистонда киши бошига гўшт ва сут истеъмол қилиш динамикаси

Yil	**Go'sht iste'moli, kg**	**Shu jumladan:**				**Sut iste'moli, kg**
		Mol go'shti, kg	Qo'y goshti, kg	Parranda go'shti, kg	Boshqa turdagi go'sht, kg	
1992	24,44	16,36	3,12	3,14	1,82	*148,72*
1996	26,85	21,69	3,24	1,42	0,5	*138,28*
2001	20,28	16,04	2,97	0,64	0,63	*135,39*
2006	25,85	20,53	3,10	1,17	1,04	*138,35*
2011	33,47	25,70	4,75	1,76	1,27	*186,62*
2016	36,70	28,11	5,19	2,12	1,28	*239,52*
2020	40,89	31,59	5,86	3,08	0,36	*251,89*


Манба: FAO маълумотлари асосида ишлаб чиқилган [2].

materiallar to‘plami



3-расм. Ўзбекистонда гўштнинг турлари бўйича истеъмол қилиш динамикаси

2020 йилда истеъмол қилинган 40,89 кг гўштни турлари бўйича таркибида қорамол гўшти 31,59 кг ёки 77,42%ни, қўй гўшти - 5,86 кг ёки 14,4%ни, паранда гўшти - 3,08 кг ёки 7,56%ни ташкил этган.



3-расм. Ўзбекистонга импорт қилинган қорамол гўшти миқдори (т) ва қиймати ($) динамикаси.

Ўрганиладиган даврда хориждан импорт қилинадиган қорамол гўштини ҳажми ошиб бориши кузатилади. Масалан, 2021 йилда қиймати 28 млн. 563,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган 106508 тонна қорамол гўшти импорт қилинган. Бу кўрсаткич 2020 йилда мос равишда 66 млн. 957 минг доллар ва 20490,2 тоннани ташкил этган. 2021 йилда 2020 йилга нисбатан гўшт импортини

ҳажми 8073,3 тоннага ёки 39,4%га, қиймати 39 млн. 551 минг АҚШ долларига ёки 59,0% га ошган. (3-расм).

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистонга 8 та давлатдан 31,7 минг тонна йирик шохли қорамол гўшти импорт қилинган.

3-жадвал. Республикага импорт қилинган чорва моллари бош сони ва қиймати динамикаси

Йил	Qora-mollar bosh soni	Qiymati ming doll.	Qo'ylar bosh soni	Qiymati ming doll.	Echki-lar bosh soni	Qiymati ming doll.	Mol go'shti, tonna	Qiymati ming doll.
2016 y.	10679	28848	2222	182	1403	560	2105	12222
2017 y.	11500	29899	32	47	2148	1011	1,1	12
2018 y.	55674	59760	22727	1669	3370	761	1331,38	4431
2019 y.	145592	122407	253928	21327	4401	852	6480,35	20736
2020 y.	60330	90936	37121	4967	3683	798	20490,2	66957
2021 y.	76691	143456	118128	20315	647	228	28563,5	106508
Жами	360466	475306	434158	48507	15652	4210	58971,53	210866

Хулоса.Таҳлиллар республикага импорт қилинган чорва моллари бош сони ва гўштнинг ҳажми ошиб бораётганини кўрсатади. FAOга кўра 2016-2021 йилларда қиймати 475 млн. 305 минг долларлик 360 минг 466 бош қорамол, 48 млн. 507 млн. долларлик 434158 бош қўй ва 4 млн 210 млн. долларга 15652 бош эчки импорт қилинган. Шу йиллар давомида 58971,53 тонна гўштни хориждан мамлакатимизга келтириш учун 210 млн 866 минг АҚШ доллари сарфланган.

Фойдаланилган манбалар:

[1].https://repost.uz/farsh-brat Кто ест больше мяса - Срочные новости Узбекистана: Repost.uz

[2]. https://ourworldindata.org/meat-production#which-countries-eat-the-most-meat- Meat and Dairy Production - Our World in Data

[3]. Renewable energy interventions in the wheat landscape in Uzbekistan. FOOD AND AGRICULTURE ORGANIZATION OF THE UNITED NATIONS. Rome,2023. https://www.fao.org/3/cc7057en/cc7057en.pdf

materiallar to‘plami

ИССЛЕДОВАНИЕ СИСТЕМЫ ОПТИМИЗАЦИИ УПРАВЛЕНИЯ МАШИННОГО ОБУЧЕНИЯ И ПРОГНОЗИРОВАНИЯ СПРОСА НА ТОВАР

Алимжанова О.С.
Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий, магистрант

Управление запасами имеет важное значение для предприятий, поскольку неправильное управление запасами может привести к избыточным затратам или нехватке товаров. Оптимизация уровней запасов требует учёта множества факторов, включая спрос, стоимость запасов, время доставки и другие важные параметры. В данной статье мы представляем алгоритм оптимизации, который учитывает эти факторы, чтобы обеспечить оптимальное управление запасами.

В настоящее время мировая экономика становится все более зависимой от современных технологий и автоматизации для повышения операционной эффективности. За последние несколько лет машинное обучение приобрело статус мощного инструмента для оптимизации процессов управления цепочкой поставок. С применением алгоритмов машинного обучения предприятия могут добиваться оптимизации своих цепочек поставок, что приводит к снижению затрат и повышению общей эффективности. Системы оптимизации управления запасами с использованием методов оптимизации, машинного обучения и прогнозирования спроса на товар представляют собой современные инструменты и подходы для эффективного управления запасами товаров в компаниях и организациях. Они объединяют в себе различные методы и технологии, чтобы помочь компаниям оптимизировать свои запасы, уменьшить издержки, сократить потери и улучшить обслуживание клиентов.

Машинное обучение предоставляет возможность автоматизировать разнообразные аспекты управления цепочкой поставок. Например, алгоритмы машинного обучения позволяют выявлять закономерности в потребительском поведении, что в свою очередь позволяет предприятиям адаптировать свои стратегии управления цепочкой поставок. Это позволяет предсказывать потребности клиентов и улучшать ассортимент продуктов в соответствии с этими потребностями. Кроме того, машинное обучение может быть использовано для автоматизации процесса прогнозирования спроса, что позволяет предприятиям более гибко реагировать на потребности клиентов.

Для этого разрабатывается алгоритм оптимизации, который является прогнозирование спроса на товары. Для этого используются методы статистического анализа и машинного обучения, основанные на исторических данных продаж и других релевантных параметрах. Прогноз спроса служит основой для принятия решений по уровням запасов.

Для оптимизации уровней запасов рассматриваются следующие факторы:

- ✓ Стоимость запасов: Учитывается стоимость хранения и поддержания запасов, а также потери от устаревания или порчи товаров.
- ✓ Время доставки: Анализируется среднее время доставки товаров от